

3-14-2019

## GENDER EQUALITY AS A SOCIO-HISTORICAL CATEGORY

Matluba Xolbotaevna Xolnazarova  
*Gulistan State University, dr-islamova@umail.uz*

Durdonaxon Rustamxon qizi Islamova  
*Gulistan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

---

### Recommended Citation

Xolnazarova, Matluba Xolbotaevna and Islamova, Durdonaxon Rustamxon qizi (2019) "GENDER EQUALITY AS A SOCIO-HISTORICAL CATEGORY," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss1/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

UDK 372.854

**GENDER EQUALITY AS A SOCIO-HISTORICAL CATEGORY**

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК – ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО КАК СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКАЯ КАТЕГОРИЯ

**Холназарова Матлуба Холбўтаевна, Исламова Дурдонахон Рустамхон қизи**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе

**E-mail:** dr-islamova@umail.uz

**Abstract**

In this article information on gender - women and men relations, the history of the study of the problem, as well as sociological, pedagogical, psychological, ethnographic recommendations and their role in the society are described. Since ancient times, great attention has been paid to the non-violation of human rights in the world community, the conduct of political, socio-economic activity of men and women in the spirit of equality in ideological processes in society. It would not be an exaggeration to say that this issue is one of the main factors in the restoration of civil society based on the market economy, favoring the ideas of democracy in our country. The stereotypes of the role of men in any sphere of society and the like are losing their essence. In our free and prosperous land, should act as a guarantee of equality, spiritual perfection, innovate ideas on economic and political rise. With the development of every sphere of our country, the market economy, the restoration of civil society with free and healthy-minded people is one of the urgent tasks of today. The people's interest in reforms, measures to eliminate the problems of minorities, the processes of increasing legal literacy, the maintenance of political stability is one of the Commo Dreams of every boy and girl and their efforts in this direction. That being said, the role and role of women and men in the period of socio-economic political upheavals is somewhat equated. And this is inextricably linked with the introduction and application of the concept of "gender" in our modern sociological idea. Gender is prominent in all social processes affecting women and men.

**Keywords:** global, gender of genus, integration, Ethnography, expertise, ISID, psychoanalyses, Freudianism.

**Аннотация**

В данной статье приводятся сведения об отношениях гендера - женщины и мужчины, история изучения данной проблемы, а также социологические, педагогические, психологические, этнографические рекомендации и их роль в обществе. С древних времен большое внимание уделялось ненарушению прав человека в мирном сообществе, ведению политической, социально-экономической деятельности мужчин и женщин в двух равноправных в идеологических процессах обществах. Не будет преувеличением сказать, что этот вопрос является одним из главных факторов восстановления гражданского общества, основанного на рыночной экономике, благоприятствующей идеям демократии в нашей стране. Стереотипы о роли мужчины в любой сфере общества и тому подробно теряют свою актуальную суть. Наша свободная и процветающая земля, должна выступать гарантом равенства духовного совершенства, новаторских идей по экономическому и политическому подъему. С развитием каждой сферы нашей страны, развитием рыночной экономики восстановление гражданского общества со свободными и здоровыми людьми является одной из актуальных задач сегодняшнего дня. Интерес народа к реформам, мерам по устранению проблем меньшинств, процессам повышения правовой грамотности, поддержанию политической стабильности - это одно из общих мечтаний каждого юноши и девушки и их усилия в этом направлении. При этом роль и роль женщин и мужчин в период социально-экономический, несколько приравнены и это неразрывно связано с введением и применением понятия «гендер» в нашей, современной социологической идее Гендерная

проблематика занимает видное место во всех социальных процессах, затрагивающих женщин и мужчин.

**Ключевые слова:** глобальное, гендер генус, интеграция, этнография экспертиза, ИГИЛ, психоанализ, Фрейдизм.

БМТ глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари ” қабул қилинган. Бунга кўра Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги бешинчи мақсад “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ имкониятларини кенгайтириш ” дир [1].

Ушбу мақолада гендер-аёллар ва эркаклар муносабатлари, муаммони ўрганиш тарихи, шунингдек, масала юзасидан социологик, педагогик, психологик, этнографик тавсиялар ва жамиятдаги роли ҳақида маълумотлар баён қилинган.

### **Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар**

Қадимги даврлардан буён дунё ҳамжамиятида, инсон ҳуқуқларининг поймол этилмаслиги, жамиятдаги мафкуравий жараёнларда эркак ва аёлларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигининг тенглик руҳида олиб борилишига катта эътибор қаратилган. Бу масала мамлакатимиздаги демократизм ғояларини ёқлаб, бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади десак муболаға бўлмайди. Жамиятдаги ҳар қандай соҳада эркаклар ролининг кучайиши ва шу каби стереотиплар ўз мазмун-моҳиятини йўқотмоқда. Эркин ва фаровон диёримизда ижтимоий тенглик, маънавий баркамоллик, иқтисодий-сиёсий юксалишда инновацион ғоялар гарови сифатида барча бирдек ҳаракат қилмоғи лозим. Мамлакатимизнинг ҳар бир соҳаси ривожланиб борар экан, бозор иқтисодиётининг туб моҳиятига етиш, фуқаролик жамиятини эркин ва соғлом фикрловчи инсонлар билан барпо этиш, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ислохотларнинг халқ манфаати, муаммоларини камичиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари, ҳуқуқий саводхонликни ошириш жараёнлари, сиёсий барқарорликни таъмин этиш ҳар бир ўғил-қизнинг муштарак орзуси ва шу йўлдаги саъй-ҳаракатларидан биридир. Айтиш жойизки, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий юксалишлар даврида хотин-қизлар ва эркакларнинг роли ва ўрни бирмунча тенглашади. Бу эса замонавий жамиятшунослик ғоямизга “гендер” тушунчасининг кириб келиши ва татбиқ этилиши билан узвий боғлиқ. Гендер аёллар ва эркакларга таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий жараёнларда кўзга ташланади. Тадқиқотда кузатиш, қиёслаш методларидан фойдаланилди.

### **Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Бугунги глобаллашув ва интеграция жараёнида илм-фанни янада юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Маданият, санъат фанни ривожлантириш, уни янги давр, янги дунёкараш нуқтаи назаридан тараққий топтириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболининг устувор йўналишларидан биридир. Бу йўлда эса хотин қизларнинг ижтимоий фаоллиги, давлатимиз ривожига сезиларли таъсир кўрсатмай қолмайди. Шунингдек, гендер муаммосининг ўрганилиш тарихи ва муаммонинг сотсиологик, педагогик психологик ҳамда этнографик тавсифини ёзиш, ижтимоий мулоқот жараёнида гендернинг юзага чиқишини асослаб бериш, новербал мулоқотда ва амалиётда номоён бўлишини узлуксиз кузатиш “гендер тенглигининг” асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Хусусан жорий йилнинг 2 сентябрида “Хотин қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонун билан бирга миллий қонунчилигимизда “гендер” тушунчасининг луғавий маъноси ҳам киритилди, лотинча “генус” яъни “жинс” маъносини англатади. Биологик жиҳатдан қаралганда жинслар фаркланадиган бўлса, гендер бу аёл ва эркакларнинг жамиятда тенг ҳуқуқчилиги, давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенглиги таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган ушбу олий юридик кучга эга қонун ҳужжатида қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида янги йўналиш гендер ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди. Дарҳақиқат мустақилликкача бўлган даврда мамлакатимизда бу масалага эътибор нисбатан суст эди, нафақат Ўзбекистон балки, дунёнинг қатор мамлакатларида, жумладан, Афғонистон, Япония, Микронезия, Палау, Қатар, Вануату ва бошқа бир қанча давлатлар шулар жумласидандир. Маълумот ўрнида Японияда мухбирлар аёллар билан суҳбат олиб бормас экан, ҳаттоки Афғон мамлакатларида ўз домига тортувчи ИШИД жангчилари сафида ҳам аёлларни кўриш мумкин эди. Қора кучларга қарши ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилган ҳатто хотин қизлар уларга қарши “Аёллар армияси”ни ташкил этган [2].

Авваллари, диний томондан толибонларнинг фикрича, хотин қизларнинг ўқиши, ишлаши, ҳатто уйларида чикишлари уят ҳисобланган. Аммо қизларни вояга етар етмас турмушга беришлари ёхуд хотин қизларнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, зўравонликка учраш ҳолатлари хали ҳам йўқ эмас. Бунга жавобан қатор давлатларда аёллар ўз эркинликларини талаб қилгани ҳолда ўзлари учун, озодлик учун хизмат қилган “Курд аёллари” ҳамда Америкадаги баъзи аёлларнинг зўравонликка учраб, уйларида қочиш ҳолатлари кузатилган бўлса, баъзи мамлакат аёллари тенг ойлик маош учун ҳаракат қиладилар.

Албатта, юқоридаги аччиқ ҳолатлар ўтган йиллар ичида содир бўлган. Бугунга келиб эса дунё бўйича гендер тенглигининг асосланганлиги, ҳаётда ўзининг муқобил ўрнини топаётганлигини бир неча мисолларда кўришимиз мумкин.

Масалан, дунё бўйлаб парламент аъзолари орасида аёллар учун квотанинг кўпайганлиги, хотин-қизларнинг сиёсий ҳақ ҳуқуқларини янада тўлароқ англаш имконини яратади. Сиёсий, ижтимоий иқтисодий жиҳатдан ҳам тенглик ва барқарорлик давлатда аёллар ролини бирмунча ошишига, ҳал этилмаган муаммоларнинг кўриб чиқилишига, масалаларнинг кенг доирада ўрганилишига замин яратади. Ҳаттоки, бу масалада яқин ўтмиш тарихга эга Марказий Осиё ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётининг ёрқин намунаси “Авесто ” да ҳам зикр этилган. Бинобарин, Авестодаги фуқаролик жамиятини куришнинг бирламчи омили сифатида эркак ва аёлнинг ҳуқуқи, оиланинг барқарорлигини таъминлаш ғояси бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда аёлларнинг тенг имконияти ва кенг ҳуқуқлари таъминланган [5]. ХХI асда баъзи мамлакатларда аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи умуман инкор қилинаётган бир даврда Ўзбекистон Олий Мажлис қонунчилик палатасига аёлларнинг сайланиши учун 30% квотанинг ажратилиш, 1991 йилда “Оила Кодекси”нинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018-йил 2-февралдаги ПФ-5325-сонли фармонининг қабул қилиниши бир томондан юртимизда аёлларга муносабат ва оилавий кадрятлар қадимий илдишларга эгаллигини ифодаласа, иккинчи томондан фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги оқилона сиёсатнинг ёрқин ифодасидир [1].

Давлат ривожини учун ҳар бир соҳанинг ўрни бўлган каби ижтимоийлашув жараёнида хотин қизларнинг ўрни бекиёсдир. Шу ўринда кўпчилик ҳамжамиятларнинг таом тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ анъанавий урф-одатларида аёллар етакчи мавқени эгаллайди. Бундай урф-одатларнинг замирида оналар ва қизлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатлар туради [6]. Халқларнинг этнографиясини ўрганилишича “гендер” тушунчасининг кўп йиллик тарихга эга эканлиги (1975 йил фанга киритилган) ва унга боғлиқ психологик қарашларнинг мавжудлиги, гендер психологиясининг асосий негизи ҳисобланади. Гендер психологияси предмети, мақсад ва вазибалари ХХ аср охири ХХI бошларида вужудга келган бўлса, 1930 йилларга келиб “Фрейд даври” яъни З.Фрейд ва психоанализ тамойиллари билан бойитилди. Анча-мунча ривожланган даври эса 1990 йилларга тўғри келади.

Гендер тадқиқотининг қадимги давлари ҳақида сўз кетганда, Афиналик Афлотун (мил. авв. 427 347) ўзининг “Базм”, ”Давлат” “Қонунлар” асарларида оила, никоҳ масалалари, жинслар

тенглиги масалаларига эътибор қаратади. Унинг таъкидига кўра, давлатда барча соҳада еркаклар билан аёллар тенгдирлар, фарзанд тарбияси учун ҳам бирдек масъулдирлар деган. Аристотел (мил. авв. 384-322) ўзининг “Сиёсат”, “Ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ҳақида” ва бошқа асарларида эркак ва аёл мунособатлари, жамиятдаги мавқеи, меҳнат тақсимоти ҳақида ўз фикрларини баён этган. Юқоридаги фикрга қарши ўлароқ Жан Жак Руссо (1712-1778) “Жамият аъзолари сифатида улар тенг эмас, сабаби эркаклар мустақил, ростгўй, дадил, аёллар эса уятчан, айёр” деб ҳисоблайди [3]. Аммо бу тушунчалар нисбий ҳисобланиб, олимлар ўз қарашларини масаланинг ижтимоий келиб чиқишига кўра татбиқ этадилар. Шунингдек, О.А.Воронина XX асрнинг 80 йилларини аёллар тадқиқоти ривожланишининг янги фазаси деб ҳисоблайди, патриархат (оталик) ва аёллар тажрибаси спецификасини таҳлил қилишдан гендер системаси таҳлиliga ўтишни у шундай ёзади: “Аёллар омили ва эркаклар устунлигини таъкидлашни таҳлил қилишда, гендер мавжуд экан, барча ижтимоий ҳолатларда эркак ва аёллар учун бирдек тегишли бўлган таъкидланаётган ва айтилаётган таҳлилга ўтишда секин-аста аксетнлар аралашуви кузатилмоқда” [4]. Гендер тадқиқотлари аёлларнинг ҳулқ-атвори ва аёллик хусусиятлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва руҳий омилларини ҳисобга олмаганда, аёллар ижтимоий тадқиқотларга яқин туради. Г.Силлатсе аёлларни ишчи кучи ёки она ва тарбиячи сифатида ўрганишдан, уларнинг ижтимоий роли ва руҳиятининг ҳамма кўп томонларини ҳам ижтимоий тадқиқот қилишга ўтиш лозим деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув аёлларнинг шахс сифатида шаклланиши, ижтимоий, маданий факторларни таққослаш, аёллар психологияси ва аёлларга хос жамиятдаги фикрларнинг ўсиб боришини янада чуқурроқ ўрганиш катта аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан ҳам аёлларга фақат она доирасида эмас, балки кенгроқ доирада ёндашув уларнинг родини кучайишига олиб келади. Эркак ва аёлларнинг психикасидаги хусусиятлар, фикрлаш жараёни, тафаккур кўлами уларнинг тенглигини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Гендер тенглиги бу жамиятда яшовчи, ижтимоийлашув жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида аёл ва эркак ҳақ-ҳуқуқининг тенглиги, яратилган шарт шароитладан бирдек фойдаланиш имконияти ҳамда мамлакат ободлиги, жамият ривожини учун кўшадиган ҳиссаларининг бекиёслигини таъминлайди. Шарқона тарбияга асосланган ҳолда оилада эркак кишининг бошқаруви, аёл киши унинг измида бўлгани ҳолда соғлом турмуш тарзида баркамол фарзандини камол топтириш эзгу орзудир. Аммо кўп ҳолларда қарашлардан кўзга ташланадиган ғояларимиздан бири, эркакларнинг устунлиги ва аёлларнинг чекланганлиги, ижтимоий шарт-шароитларни ўрганиш, ҳозирча гендер назарий тушунчаларини тузилишида асос бўлиб келмоқда. Келажакда гендерга ёндашиб қолмасдан, андрологик муаммоларни ҳам ҳал этиш, эркаклар қиёфасини, уларнинг родини ўтмиш ва бугунги кунга таққослаган ҳолда ўрганиш ва татбиқ қилиш каби умуминсоний муаммоларни кўйиш ва ҳал этиш зарур. Бу масаланинг ечими учун фақат аёлларнинг фаоллиги эмас, балки эркак мунособати мувозанатига ҳам эътибор қаратиш зарур.

Жамият ва оила институтининг ўрни ва вазифаларини эркак ва аёлларнинг бир-бирига ҳурмати, ишончи ва бир қанча юксак ҳислар орқали боғланган ришталарни кадрлашлари, кўп масалаларга ойдинлик киритади. Чунки тарбия оиладан бошланар экан, оилавий муҳитнинг соғломлиги, оилада эркак ва аёлнинг бирдек, аммо, бир-бирини тўлдиручи овозларининг бўлиши, жамиятда қабул қилинган нормаларга жавоб бериши ва эркак эркаклик ҳислатларини, аёл аёллик ҳислатларини сақлаб қолиши, гендер идентификациясига амал қилиш, кийимда, ташқи кўриниш ва ўзини тутишда ўрнатилган бўлиш келажак авлодларда гендер назариясининг тўғри талқин этилишининг бирдан бир манбаидир. Томаззо Кампанелланнинг “Қуёш шаҳри” асарида идеал давлатни тасвирлайди. Фарқ уларнинг юмушларидадир: эркаклар анча оғир ишларни бажаришган, аёллар эса насл қолдиришган. Аммо улар оила қуришмаган, фарзанд кўриш учун жуфт танлашда эса астрология ёрдамга келган.

Хулоса қилиб айтганда, гендер тушунчасига мунособат ва гендер муаммоси тарихий тараққиёт давомида келиб чиққан қарашлар бўлиб, ҳозирги кунда тобора қонуний тус олмоқда. Халқимизнинг бола бошидан деган хикматли сўзларидан ҳам гендер тушунчасининг бошланғич қуртакларини кўришимиз мумкин. Бунда болалар ўйин фаолияти билан шуғулланадиган даврдан

бошлаб уларнинг кизиқишлари турли нарсаларга қаратилади. Қиз болалар енгилроқ ўйинлар, кўғирчоқлар ўйнаб уларга меҳр кўрсатишса, ўғил болалар жангари руҳдаги қийин ва куч талаб этиладиган ўйинларга мойил бўладилар. Узоқ йиллар давомида илмий муаммога айланган гендер масаласи Ўзбекистонда тўлалигича амалий ифодасини топмоқда. Бу жараён инсон ҳуқулари соҳасидаги илғор қадамлардан бири саналиб, мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий сиёсий ривожланишини таъминлашга сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармони.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т: “Ўзбекистон”, 2000. – 352 б.
3. Аҳмедов Б. “Ўзбек тилида гендер тадқиқи”. Ўқув қўлланма. Андижон, 2012. -184 б.
4. Воронина О.А. Теоритико-методологические основы гендерных исследований. Курс лекций. М.: МЦГИ, МВШСЭН, МФФ, 2001 - С. 13,106.
5. Кушбеков К. “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”. Ўқув услубий мажмуа. Тошкент, 2018. – 236 б.
6. Султонов А. “Номоддий маданий мерос ва гендер масаласи”. Myriam Heget. 2009. – 16 б.

**References:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xotin-qizlarni qo'llab quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2018 yil 2 fevraldagi PF-5325-sonli Farmoni.
2. Karimov I.A. "O'zbekiston XXI asrga intilmoqda" T: "O'zbekiston", 2000. – 352 p.
3. Ahmedov B. "O'zbek tilida gender tadqiqi". O'quv qo'llanma. Andijon, 2012. -184 p.
4. Voronina O.A. Teoritiko-metodologicheskie osnovi gendernix issledovaniy. Kurs lektsiy. M.: MTsGI, MVShSEN, MFF, 2001 - P. 13,106.
5. Kushbekov K. "O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi. Fuqarolik jamiyati". O'quv uslubiy majmua. Toshkent, 2018. – 236 p.
6. Sultonov A. "Nomoddiy madaniy meros va gender masalasi". Myriam Heget. 2009. – 16 p.